

Муаллифнинг биринчи китоби

Беназирхон ҲАСАНХОНОВА

ОНАЖОН

(Шеърлар)

**“Андижон нашриёт-матбаа” МЧЖ
2013 йил**

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5)~~УЗ~~ 7-93бек азабиети
Х-31

Х-31. Ҳасанхонова Беназирхон. Онажон (шеърлар).
“Андижон нашриёт-матбаа” МЧЖ, 2013 йил, 46-бет.


Мазкур мўъжаз тўпламдан эндиғина ижод бўстонига кириб келаётган ёш, ҳаваскор шоиранинг кўнгил кечинмалари - она табиат манзаралари, қадриятлар, бегубор болаликнинг баҳтли онлари ҳақидаги шеърлари урин олган. Содда ва самимий сатрлар билан битилган ушбу шеърий гулдаста шеърият муҳлисларига манзур бўлади, қолаверса, ёш шоирариз келажакда янада гўзал шеърлар ёзиб, ижодкор сифатида ҳурмат топади, деб умид қиласиз.

ISBN 978-9943-4197-6-4

© Б.Ҳасанхонова, 2013.

© “Андижон нашриёт-матбаа” МЧЖ, 2013

10 41585
091



ҲАСАНХОНОВА БЕНАЗИРХОН

Muallifning birinchi kitobi

Benazirxon HASANXONOVA

ONAJON

(She'rlar)

**“Andijon nashriyot-matbaa” MCHJ
2013-yil**

UO'K: 821.512.133-1

KBK 84(5Узб)

H-31

H-31. Hasanxonova Benazirxon. Onajon (she'rlar). "Andijon nashriyot-matbaa" MCHJ, 2013 yil, 46-bet.

Mazkur mo'jaz to`plamdan endigina ijod bo'stoniga kirib kelayotgan yosh, havaskor shoiraning ko`ngil kechinmalari - ona tabiat manzaralari, qadriyatlar, beg'ubor bolalikning baxtli onlari haqidagi she'lari o'rinni olgan. Sodda va samimiy satrlar bilan bitilgan ushbu she'riy guldasta she'riyat muxlislariga manzur bo'jadi, qolaversa, yosh shoiramiz kelajakda yanada go'zal she'lari yozib, ijodkor sifatida hurmat topadi, deb umid qilamiz.

ISBN 978-9943-4197-6-4

© B. Hasanxonova, 2013.

© “Andijon nashriyot-matbaa” MCHJ, 2013.

ИЖОДГА ИНТИЛУВЧИ ҚИЗ

Беназирхон болалигиданоқ ижодга күнгил күйган. У мактабда аълочи ўкувчи, жамоат ишларидаги фаол бўлиши билан бирга, ижодга интилиб яшайди. Доимий қораламалар ёзиб, устозлардан маслаҳат олиб юради.

Ижод ҳақида гап кетганда, таъкидлаш жоизки, у ҳар кимга ҳам берилавермайдиган фазилатdir. Ижод кишиси ҳаётга ўзгача нигоҳ билан карайди. У ҳаётдаги воқе-ходисалардан, табиат манзараларидан илҳом олади. Эндиғина саккизинчи синфда тахсил олаётган Беназирхон Ҳасанхонованинг “Онажон” номли шеърий тўплами кўлёзмасини ўқиб унда, “нимадир бор” деган хуносага келдим.

Тўғри, унинг шеърларини пухта, бекаму кўст деб айтиш фикридан йироқман. Чунки у ҳали ёш. Адабиётнинг, шеъриятнинг конуниятларини, сир-асрорларини яхши билмайди. Лекин қизимизда шеъриятга қизикиш, интилиш кучли эканлигини англадим.

Тўпламдаги аксарият шеърлардаги содда сатрларда, ҳар бир мисрада айтилмоқчи бўлган фикр – ғоявий мазмун, чиқарилган хуоса шеърнинг мақсадини очиб бера олган. Самимий сўзлар эса ўкувчи қалбига меҳрдай сингиб кетади. “Онажон” шеъридаги куйидаги мисраларни ўқисангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз:

Меҳрингиз қалбимга баҳш этар суур,

Онажон, бағрингиз бунчалар иссиқ,

Кўнглимга бағишилар таскинингиз нур,

Борингиз кўзимда гўё қорачиқ.

Ёш шоира шеърларида мавзулар ҳам ранг-баранг. Она табиат манзаралари, қадриятларимизга айланган байрамлар каби бир қатор мавзулар ўзига хос тарзда тасвиirlанади.

Мухтасар килиб айтганда, китобчага киритилган айрим шеърларда оддийлик, жузъий камчиликлар бор. Лекин китобхоналар қизимиз ҳали саккизинчи синф ўкувчиси эканлигини унутмасликларини истардим. Насиб этса, қизимиз келгусида чиройли ва мазмунли шеърлар ёзиб, барчани хушнуд этади деган умиддаман.

Абдураҳим БОЗОРБОЕВ,
Марҳамат туманидаги Муҳаммад Юсуф номли
ёш ижодкорлар адабий тўгараги раҳбари.

IJODGA INTILUVCHI QIZ

Benazirxon bolaligidanoq ijodga ko'ngil qo'ygan. U mактабда a'lочи о'quvchi, jamoat ishlarida faol bo`lish bilan birga, ijodga intilib yashaydi. Doimiy qoralamalar yozib, ustozlardan maslahat olib yuradi.

Ijod haqida gap ketganda, ta'kidlash joizki, u har kimga ham berilavermaydigan fazilatdir. Ijod kishisi hayotga o'zgacha nigoх bilan qaraydi. U hayotdagи voqe-hodisalardan, tabiat manzaralaridan ilhom oladi. Endigina sakkizinchи sinfda tahsil olayotgan Benazirxon Hasanxonovaning "Onajon" nomli she'riy to'plami qo'lyozmasini o'qib, "unda nimadir bor" degan xulosaga keldim.

To'g'ri, uning she'rlarini puxta, bekamu ko'st deb aytish fikridan yiroqman. Chunki u hali yosh. Adabiyotning, she'riyatning qonuniyatlarini, sir-asrorlarini yaxshi bilmaydi. Lekin qizimizda she'riyatga qiziqish, intilish kuchli ekanligini angladim.

To'plamdagи aksariyat she'rlardagi sodda satrlarda, har bir misrada aytilmoqchi bo'lgan fikr - g'oyaviy mazmun, chiqarilgan xulosa she'ning maqsadini ochib bera olgan. Samimiyo so'zlar esa o'quvchi qalbiga mehrday singib ketadi. "Onajon" she'ridagi quyidagi misralarni o'qisangiz, bunga o'zingiz ham ishonch hosil qilasiz:

Mehringiz qalbinga baxsh etar surur,

Onajon, bag'ringiz bunchalar issiq.

Ko'nglimga bag'ishlar taskiningiz nur,

Boringiz ko'zimda go'yo qorachiq.

Yosh shoira she'rlarida mavzular ham rang-barang. Ona tabiat manzaralari, qadriyatlarimizga aylangan bayramlar kabi bir qator mavzular o'ziga xos tarzda tasvirlanadi.

Muxtasar qilib aytganda, kitobchaga kiritilgan ayrim she'rlarda oddiylik, juz'iy kamchiliklar bor. Lekin kitobxonlar qizimiz hali sakkizinchи sinf o'quvchisi ekanligini unutmasliklarini istardim. Nasib etsa, qizimiz kelgusida yanada chiroyli va mazmunli she'rlar yozib, barchani xushnud etadi, degan umiddaman.

Abdurahim BOZORBOYEV,
Marhamat tumanidagi Muhammad Yusuf nomli
yosh ijodkorlar adabiy to'garagi rahbari.

ОНАЖОН

Меҳрингиз қалбимга баҳш этар суур,
Онаジョン, бағрингиз бунчалар иссиқ.
Күнглимга бағишилар таскинингиз нур,
Борингиз кўзимда гўё қорачиқ.

Дилингизга гоҳо чўктириб ташвиш,
Шўхлигим қалбингиз юзин қаритар.
Айтинг, ёрдамчиман ортмайди юмуш,
Биргина кулгингиз ғамни аритар.

Эркалаб силайсиз аста бошимни,
Бағрингиз тафтида кетаман эриб.
Ҳаёт синамасин сира дошимни,
Онам, сиз бор юрай кўкрагим кериб.

ONAJON

Mehringiz qalbimga baxsh etar surur,
Onajon, bag`ringiz bunchalar issiq .
Ko`nglimga bag`ishlar taskiningiz nur,
Boringiz ko`zimda go`yo qorachiq .

Dilingizga goho cho`ktirib tashvish,
Sho`xligim qalbingiz yuzin qaritar.
Ayting, yordamchiman ortmaydi yumush,
Birgina kulgingiz g`amni aritar.

Erkalab silaysiz asta boshimni,
Bag`ringiz taftida ketaman erib.
Hayot sinamasin sira doshimni,
Onam, siz bor yuray ko`kragim kerib.

КОРБОБО

Кириб келса янги йил,
Совғаларга күмилиб.
Яшнаб кетар ҳар бир дил,
Кувончларга чўмилиб.

Киш бобо, келибсан хуш,
Лек атрофда кўк арча.
Оппоқ қордан ер сархуш,
Корбўрон ўйнар барча.

Дустлик берасан дилга,
Бундай кейинги йилга,
Кутамиз яна сени,
Кўз тикканча йўлинга.

QORBOBO

Kirib kelsa yangi yil,
Sovg` alarga ko` milib.
Yashnab ketar har bir dil,
Quvonchlarga cho` milib.

Qish bobo, kelibsan xush,
Lek atrofda ko`k archa.
Oppoq qordan yer sарxush,
Qorbo`ron o`ynar barcha.

Do`stlik berasan dilga,
Bunday keyingi yilga,
Kutamiz yana seni,
Ko`z tikkancha yo`linga.

БАЙРАМ МУБОРАК

Адир тұла лола, гул,
Илинаман сизларга.
Хаёт фариштаси ул,
Онам, опам, қизларга.

Қалбингиздан чексиз нур,
Аримасин сира ҳам.
Дилингиздан томар дур,
Хеч қачон күрмангиз ғам.

Кукламий бахтта түлсин,
Рүёб топсин хаёллар.
Байрам муборак бўлсин,
Мухтарама аёллар.

БАЙРАМ МУБОРАК

BAYRAM MUBORAK

Adir to`la lola, gul,
Ilinaman sizlarga.
Hayot farishtasi ul,
Onam, opam, qizlarga.

Qalbingizdan cheksiz nur,
Arimasin sira ham.
Dilingizdan tomar dur,
Hech qachon ko`rmangiz g`am.

Ko`klamiy baxtga to`lsin,
Ro`yob topsin xayollar.
Bayram muborak bo`lsin,
Muhtarama ayollar.

ГҮЗАЛ БАҲОР

Баҳорим, ўзингсан фасли келинчак,
Дилимиз куйига куйлари йўлдош.
Ёмғиринг заминни поклайди чак-чак,
Мадхинг айтиб нурин сочади қуёш.

Бағрингда қувнаймиз бегубор уч ой,
Тұқыз ой дийдоринг этар интизор.
Мана кириб келдинг очганча чирой,
Қахратон аёздан қолдирмай губор.

ЮЛДУЗ

Самода порлаган энг ёруг юлдуз,
Хаёлим олдию айлади асир.
Күлимни узатдим калбим деди: “Уз”!
Етдим деганимда кетди, бу не сир?!

Истадим юлдуз-ла қурмокни сұхбат,
Чорласам келмади самовий боққа.
Шунда дедим: “бўлиб бир кун космонавт”,
Учаман ундан-да юксак, йирокқа.

GO'ZAL BAHOR

Bahorim, o`zingsan fasli kelinchak,
Dilimiz kuyiga kuylari yo`ldosh.
Yomg`iring zaminni poklaydi chak-chak,
Madhing aytib nurin sochadi quyosh.

Bag`ringda quvnaymiz beg`ubor uch oy,
To`qqiz oy diydoring etar intizor.
Mana kirib kelding ochgancha chiroy,
Qahraton ayozdan qoldirmay g`ubor.

YULDUZ

Samoda porlagan eng yorug` yulduz,
Xayolim oldiyu ayladi asir.
Qo`limni uzatdim qalbim dedi: "Uz".
Yetdim deganimda ketdi, bu ne sir?!

Istadim yulduz-la qurmoqni suhbat,
Chorlasam kelmadi samoviy boqqa.
Shunda dedim: "bo`lib bir kun kosmonavt",
Uchaman undan-da yuksak, yiroqqa.

НАВРҮЗ

Үлкамга баҳор келди,
Аста сепини ёзиб.
Аёздан олмай озор,
Бойчечак чертди созин.

Ҳамма хурсанд беармон,
Унудти ғам, ғуборин.
Ҳар бир қимирлаган жон,
Мехнатта берди борин.

Бизлар кир-адир қолмай,
Терамиз гул – лолалар.
Сумалакка деб, толмай,
Тош терамиз болалар.

Сумалак қайнар аста,
Атрофи тўла гавжум.
Тилак айтиб оҳиста,
Йилга тилаймиз унум.

NAVRO'Z

O`lkamga bahor keldi,
Asta sepini yozib.
Ayozdan olmay ozor,
Boychechak chertdi sozin.

Hamma xursand bearmon,
Unutdi g'am, g'uborin.
Har bir qimirlagan jon,
Mehnatga berdi borin.

Bizlar qir-adir qolmay,
Teramiz gul - lolalar.
Sumalakka deb, tolmay,
Tosh teramiz bolalar.


Sumalak qaynar asta,
Atrofi to`la gavjum.
Tilak aytib ohista,
Yilga tilaymiz unum.

АЖАРДАРДА АЖАРДА АЖАРДА АЖАРДА АЖАРДА АЖАРДА

ЎЗБЕК

Офтоб яйраб нурин сочар осмонингда,
Майса-гуллар буй таратар гулзорингда.
Қийноқларинг қолди ўтмиш, озорингда,
Ўзбек деган хур миллатим, ўзинг яхши!

Бугун баҳтлар қутлайверар такрор сени,
Тошдан қаттиқ бу бошларинг кўрди нени,
Рамзларинг ифтихорга кўмар мени,
Ўзбек деган хур миллатим, ўзинг яхши!



O'ZBEK

Oftob yayrab nurin sochar osmoningda,
Maysa-gullar bo'y taratar gulzoringda.
Qiynoqlaring qoldi o'tmish, ozoringda,
O'zbek degan hur millatim, o'zing yaxshi!

Bugun baxtlar qutlayverar takror seni,
Toshdan qattiq bu boshlaring ko'rdi neni,
Ramzlarining iftixorga ko'mar meni,
O'zbek degan hur millatim, o'zing yaxshi!

XAËT

Ер қаттиқдир, тош қаттиқ,
Хаво юмшоқ, сув юмшоқ.
Инсон яхши-әмонаи,
Бу дунёга құғырчоқ.

Асли чинакам ҳаёт,
У дунёдан бошланар.
Бор савобу гуноҳлар,
Тарозуга ташланар.

Бу ёлғончи дунёда,
Билиб-бilmай иш тутма.
Бироvга озор бериb,
Қабоҳатта кўл тутма.

Эзгуликлар бўлсин ёр,
Ибодат қил мусулмон.
Ана шунда очилар.
Жаннат эшик сен томон.

Беҳиштда ҳар мева бор,
Мазали бир-биридан.
Ҳавосида йўқ губор,
Қасрлари сабрдан.

Яхшиликка тутиб құл,
Барин этайлик идрок.
Оқибат, иймон - хүш йүл.
Қалбларимиз бўлсин пок.

HAYOT

Yer qattiqdir, tosh qattiq,
Havo yumshoq, suv yumshoq.
Inson yaxshi-yomoni,
Bu dunyoga qo`g`irchoq.

Asli chinakam hayot,
U dunyodan boshlanar.
Bor savobu gunohlar,
Tarozuga tashlanar.

Bu yolg`onchi dunyoda,
Bilib-bilmay ish tutma.
Birovga ozor berib,
Qabohatga qo`l tutma.

Ezguliklar bo`lsin yor,
Ibodat qil musulmon.
Ana shunda ochilar.
Jannat eshik sen tomon.

Behishtda har meva bor,
Mazali bir-biridan.
Havosida yo`q g`ubor,
Qasrlari sabrdan.

Yaxshilikka tutib qo`l,
Barin etaylik idrok.
Oqibat, iymon - xush yo`l.
Qalblarimiz bo`lsin pok.

КУЗ

Келди мана куз шошиб,
Етаклаб илиқ ҳаво.
Саратондан қир ошиб,
Олтин ранг сочди само.

Нельматлари ёрап тил,
Хазонда ҳам бор чирой.
Унга асир неча дил,
Ажиб түйғуларга бой.

Меҳр кутар япроқлар,
Түкилишиб охиста.
Асли мунгли бу чоғлар,
Тугаёттандай аста.

KUZ

Keldi mana kuz shoshib,
Yetaklab iliq havo.
Saratondan qir oshib,
Oltin rang sochdi samo.

Ne'matlari yorar til,
Xazonda ham bor chiroy.
Unga asir necha dil,
Ajib tuyg' ularga boy.

Mehr kutar yaproqlar,
To'kilishib ohista.
Asli mungli bu chog'lar,
Tugayotganday asta.

ЎЗБЕГИМ БОЛАЛАРИ

Зулматда ҳам мисли ой,
Иқболи очар чирой.
Вой, бунчалар ёқимтой,
Ўзбегим болалари.

Ўйнаб, кулади шодон,
Томирда кўпирар қон.
Дилида йўқдир армон,
Ўзбегим болалари.

Нигоҳида йўқ ғубор,
Кўшиқ айтиб, чертар тор.
Бобурдай ёзар ашъор,
Ўзбегим болалари.

Зулматда ҳам мисли ой,
Иқболи очар чирой.
Вой, бунчалар ёқимтой,
Ўзбегим болалари.

O'ZBEGIM BOLALARI

Zulmatda ham misli oy,
Iqboli ochar chiroy.
Voy, bunchalar yoqimtoy,
O'zbegim bolalari.

O'ynab, kuladi shodon,
Tomirda ko`pirar qon.
Dilida yo`qdir armon,
O'zbegim bolalari.

Nigohida yo`q g'ubor,
Qo`sinq ayrib, chertar tor.
Boburday yozar ash'or,
O'zbegim bolalari.

Zulmatda ham misli oy,
Iqboli ochar chiroy.
Voy, bunchalar yoqimtoy,
O'zbegim bolalari.

ОНА ТИЛИМГА

Минг күчалар, гулзорлар,
Үз тилимда ном олмиш.
Қанча чекиб озорлар,
Ниҳоят, хур тил бўлмиш.

Она тилим - жонимсан,
Сўзлайман сенда хассос.
Фаҳр тўлган қалбимсан,
Сен-ла баҳтим эркка мос.

Муқаддассан, буюксан,
Асрагаймиз доимо.
Сен азизсан, суюксан,
Сақлагаймиз, жон фидо.

ONA TILIMGA

Ming ko'chalar, gulzorlar,
O'z tilimda nom olmish.
Qancha chekib ozorlar,
Nihoyat, hur til bo'lmish.

Ona tilim - jonimsan,
So`zlayman senda xassos.
Faxr to`lgan qalbimsan,
Sen-la baxtim erkka mos.

Muqaddassan, buyuksan,
Asragaymiz doimo.
Sen azizsan, suyuksan,
Saqlagaymiz, jon fido.

СҮНГИ ҚҰНҒИРОҚ

Хайрлапідик биз бугун,
Улғайдик яна бир ёш.
Битирудилар бу кун,
Күз ёшга берар бардош.

Мактабдан катта ҳаёт,
Кучоқ очмиш уларға.
Болаликни этиб ёт,
Нур беради дилларға.

Биз ҳам бир кун тарк этиб,
Күмсаймиз мактаб бағрин.
Мустақил йүлдан кетиб,
Софинамиз дарс чөгін.

Мактаб илм кошонаси,
Дарслар бунда үтар соз.
Билимларнинг онаси,
Келажакка зўр парвоз.

SO'NGGI QO'NG'IROQ

Hayrlashdik biz bugun,
Ulg`aydik yana bir yosh.
Bitiruvchilar bu kun,
Ko`z yoshga berar bardosh.

Maktabdan katta hayot,
Quchoq ochmish ularga.
Balalikni etib yot,
Nur beradi dillarga.

Biz ham bir kun tark etib,
Qo`msaymiz maktab bag`rin.
Mustaqil yo`ldan ketib,
Sog`inamiz dars chog`in.

Maktab ilm koshonasi,
Darslar bunda o`tar soz.
Bilimlarning onasi,
Kelajakka zo`r parvoz.

КЕЛАЖАК ОСТОНАСИ

Тамомлаб билим юртин,
Келажакка қўй қадам.
Тўкмайин қалбинг бурдин,
Илм изла ҳар қадам.

Садоқатни қўр билиб,
Муносиб бўл элинга.
Каттани ҳурмат қилиб,
Иzzатда бўл еринга.

Гўдак эдинг бир замон,
Улғайдинг, тўлдинг баҳтга.
Ўки, ўрган, бўл омон,
Етгин муқаддас аҳдга.

Ёруғ, порлоқ келажак,
Берилар пок инсонга.
Чин интилган етажак,
Оғмай ёмон томонга.

KELAJAK OSTONASI

Tamomlab bilim yurtin,
Kelajakka qo'y qadam.
To'kmayin qalbing burdin,
Ilm izla har qadam.

Sadoqatni qo'r bilib,
Munosib bo'l elinga.
Kattani hurmat qilib,
Izzatda bo'l yeringa.

Go'dak eding bir zamon,
Ulg'ayding, to'lding baxtga.
O'qi, o'rgan, bo'l omon,
Yetgin muqaddas ahdga.

Yorug', porloq kelajak,
Berilar pok insonga.
Chin intilgan yetajak,
Og'may yomon tomonga.

“ТОНГ ЮЛДУЗИ”

Эрта тонг қучогида,
Үй сурар бир қизалоқ.
Орзуси баҳт боғида,
Юлдуз бўлиб порламоқ.

Умид тўла кўзига,
Катта ишонч-ла қаранг.
“Тонг юлдузи”ни шу қизга,
Ўқиб беринг, ранг-баранг.

Тавсиямиз ҳар ёшга,
Манзилингиз юборинг.
Йулингиз тушса Шошга,
“Тонг юлдузи”га киринг.

“TONG YULDUZI”

Erta tong quchog` ida,
O`y surar bir qizaloq.
Orzusi baxt bog` ida,
Yulduz bo`lib porlamoq.

Umid to`la ko`ziga,
Katta ishonch-la qarang,
“Tong yulduzi”ni shu qizga,
O`qib bering, rang-barang.

Tavsiyamiz har yoshga,
Manzilingiz yuboring.
Yo`lingiz tushsa Shoshga,
“Tong yulduzi”ga kiring.

ГУЛЛАРГА ОШУФТАМАН

Анҳордаги сувга ҳамоҳанг,
Кўз-кўз қилар гуллар чиройин.
Багрида йўқ бирор ғубор, чанг,
Оразлари нафису майин.

Хаёлларим чаманзорга банд,
Гуллар умри ўйларим олар.
Бирлари паст, бирлари баланд,
Ифорлари қалбга чўғ солар.

Гул чечаклар юзингизда дур,
Тонги шабнам қўймиш яна хол.
Юрагимда ўзгача сурур,
Чиройлисиз мисоли ҳилол.

GULLARGA OSHUFTAMAN

Anhordagi suvg'a hamohang,
Ko'z-ko'z qilar gullar chiroyin.
Bag'rida yo'q biror g'ubor, chang,
Orazlari nafisu mayin.

Xayollarim chamanzorga band,
Gullar umri o'ylarim olar.
Birlari past, birlari baland,
Iforlari qalbga cho'g' solar.

Gul chechaklar yuzingizda dur,
Tongi shabnam qo'ymish yana xol.
Yuragimda o'zgacha surur,
Chiroylisiz misoli hilol.

ИСТАК

Дард юзини бурса инсондан,
Чанг бўлмаса қани шу ондан.
Кечмасмиди қуш ҳам жонидан,
Бўлмаганда ташвиш дунёда.

Унугилармиди бори ғам,
Кўзлар кўрмасмиди ҳеч бир нам.
Яшамасди одамлар бир кам,
Бўлмаганда ташвиш дунёда.

ISTAK

Dard yuzini bursa insondan,
Chang bo`lmasa qani shu ondan.
Kechmasmidi qush ham jonidan,
Bo`lmasganda tashvish dunyoda.

Unutilarmidi bori g`am,
Ko`zlar ko`rmasmidi hech bir nam.
Yashamasdi odamlar bir kam,
Bo`lmasganda tashvish dunyoda.

ҚУШЛАР

Парвозингиз бунчалар баланд,
Овозингиз сукунатга банд,
Келинг, тутай ушоқми ё қанд,
Кушлар, мени билинг дүстингиз.

Ризқ тутасиз полапонларга,
Үрнаксиз-да баъзи жонларга.
Кетманг олис бир томонларга,
Кушлар, мени билинг дүстингиз.

Келинг, бирга қиламиз сайр,
Мўъжизалар очар бу дайр.
Эрта келинг, ҳозирча хайр,
Кушлар, мени билинг дүстингиз.

QUSHLAR

Parvozingiz bunchalar baland,
Ovozingiz sukunatga band,
Keling, tutay ushoqmi yo qand,
Qushlar, meni biling do'stingiz.

Rizq tutasiz polaponlarga,
O'maksiz-da ba'zi jonlarga.
Ketmang olis bir tomonlarga,
Qushlar, meni biling do'stingiz.

Keling, birga qilamiz sayr,
Mo'jizalar ochar bu dayr.
Erta keling, hozircha xayr,
Qushlar, meni biling, do'stingiz.

ЖАСАМАРДЫН АЛДЫРУМДЫН САЛГЫЛАРЫ

* * *

Күнгилнинг тубига чўкиб кетди ғам,
Армоним куйлари ўзгарди неча.
Қалбнинг нигохидаги милтиллаган нам,
Хаёллар шунчалар ғамгин бу кеча.

Ҳаётнинг бегубор лахзаларидан,
Сирларим денгизи тошди авжида.
Оппоқ туйғуларим ларзаларидан,
Билмам, бахтим келди меҳр мавжида.

Күнгил ҳам унугдиди зумда дардини,
Бахтга кучок очди келган маҳали.
Шириң сўзла олди дилнинг гардини,
Деди: “Яхши кунлар олдинда ҳали!”.

* * *

Ko`ngilning tubiga cho`kib ketdi g`am,
Armonim kuylari o`zgardi necha.
Qalbning nigohida miltillagan nam,
Xayollar shunchalar g`amgin bu kecha.

Hayotning beg`ubor lahzalaridan,
Sirlarim dengizi toshdi avjida.
Oppoq tuyg`ularim larzalaridan,
Bilmam, baxtim keldi mehr mavjida.

Ko`ngil ham unutdi zumda dardini,
Baxtga quchoq ochdi kelgan mahali.
Shirin so`z-la oldi dilning gardini,
Dedi: “Yaxshi kunlar oldinda hali!”.

МУНДАРИЖА

Онажон.....	7
Корбобо.....	9
Байрам муборак.....	11
Гўзал баҳор.....	13
Юлдуз.....	13
Наврўз.....	15
Ўзбек.....	17
Ҳаёт.....	19
Куз.....	21
Ўзбегим болалари.....	23
Она тилимга.....	25
Сўнгги қўнғирок.....	27
Келажак остонаси.....	29
“Тонг юлдузи”.....	31
Гулларга ошуфтаман	33
Истак.....	35
Қушлар.....	37
Кўнгилнинг тубига чўкиб кетди ғам.....	39

MUNDARIJA

Onajon.....	8
Qorbobo.....	10
Bayram muborak.....	12
Go'zal bahor.....	14
Yulduz.....	14
Navro`z.....	16
O`zbek.....	18
Xayot.....	19
Kuz.....	22
O`zbegim bolalari.....	24
Ona tilimga.....	26
So`nggi qo`ng`iroq.....	28
Kelajak ostonasi.....	30
“Tong yulduzi”.....	32
Gullarga oshuftaman.....	34
Istak.....	36
Qushlar.....	38
Ko`ngilning tubiga cho`kib ketdi g`am.....	40

**Адабий – бадий нашр
Беназирхон ХАСАНХОНОВА
“ОНАЖОН” (шеърлар)**

Мұхаррирлар	Ф. Ибайдуллаев.
Тех. мұхаррир	М. Мирзакаримова.
Мусаввир	С. Жўраева.
Мусаҳҳих	Н. Тожиматова.
Саҳифаловчи	З. Умурзоқов.

Ноширлик лицензияси АI №175. 11.06.2010 йил.

Босмахонага 2013 йил 13 майда берилди. Босишига 2013 йил 8 июлда рухсат этилди. Бичими 84x1081/32. Ҳажми 1,375 босма табоқ. Нашриёт табори 0,9. Times New Roman гарнитураси, оғсет қофози, оғсет усулида чоп этилди. Буюртма №964. Адади 600 нусха.

“Andijon nashriyot-maʼbaa” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкӯчаси, 71-үй.

Adabiy-badiiy nashr
Benazirxon Hasanxonova
“ONAJON” (she’rlar)

Muharrir	F.Ibaydullaey.
Tex. muharrir	M. Mirzakarimova.
Musavvir	C. Jo’rayeva.
Musahhi	N. Tojimatova.
Sahifalovchi	Z. Umurzoqov.

Noshirlik litsenziyasi AI №175. 11.06.2010 yil.

Bosmaxonaga 2013 yil 13 mayda berildi. Bosishga 2013 yil 8 iyulda ruxsat etildi. Bichimi 84x1081/32. Hajmi 1,375 bosma taboq. Nashriyot tabog’i 0,9. Times New Roman garniturası, ofset qo ozi, ofset usulida chop etildi. Buyurtma №964. Adadi 600 nusha.

“Andijon nashriyot-matbaa” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Manzili: Andijon shahri, Navoiy shohkýchasi, 71-uy.